

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



ОДИЛОВ ШОХРУХ ҒАЙРАТЖОНОВИЧ

**КОМПАНИЯ ЛОГИСТИК ЖАРАЁНЛАРИНИ АХБОРОТ-
КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

08.00.14 - Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Iqt74-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.tdiu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бегалов Баҳодир Абдусаломович иқтисод фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Махмудов Носир Махмудович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Султанова Соня Махмудовна иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «11» май соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ -рақамли тарқатиш баённомаси реестри).

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

Р.Х. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва логистиканинг ривожланиши бўйича жаҳон рейтингида Ғарбий Европа ва Осиёнинг ривожланган мамлакатлари етакчиликни эгаллаб келмоқдалар. Дунёда логистика ривожланишининг умумий индекси (LPI-*logistic performance index*) юритилиб, унда Германия Федератив Республикаси етакчи ҳисобланади ҳамда унинг индекси максимал 5 балли мезонда 4,45 баллни ташкил этмоқда. Етакчи мамлакатлар АКТ соҳасининг ялпи ички маҳсулотигаги (ЯИМ) улуши Жанубий Кореяда – 9 %, Японияда – 5,5 %, Хитой ва Ҳиндистонда – 4,7 % ни ташкил этмоқда. Хорижий мамлакатлар тажрибасида логистиканинг ривожланиши ва уни инвестициялаш турли мамлакатларда иқтисодий сиёсат, географик, демографик ҳолатлари, урбанизация ва муайян ҳудудларнинг умумий инфратузилмасининг ривожланиш даражасига қараб турлича амалга оширилмоқда.

Жаҳон амалиётида компания логистик жараёнларини ривожлантиришда бир қатор муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар ташкил қилинган бўлиб, жумладан компания логистик фаолиятини янада самарали ривожлантириш масалаларига мажмуавий ёндашиш, автоматлаштирилган ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, материаллар ҳаракатини тезлаштириш, маҳсулот сифати ва логистик компаниянинг самарали фаолиятини эътиборга олган ҳолда мавжуд услубий ёндашувлар ҳамда АКТ асосида логистик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, мамлакатимиз логистик тизимини АКТ асосида такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш ушбу соҳа олдида турган кўплаб муаммоларни илмий ҳал этиш имконини яратади.

Мамлакатда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда. Шу билан бирга, АКТни бошқариш ва жорий этиш соҳасидаги бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар ушбу соҳанинг жадал ривожланишига, сифатли ахборот хизматларини кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан: «...электрон тижоратда интеграциялашган савдо ва маркетинг платформалари, интернет-дўконлар, тўлов тизимларини, шунингдек, логистика тизимларини жорий этишга етарлича эътибор қаратилмаяпти, бу иқтисодиёт ва тадбиркорлик ривожланиши, чет эл инвестициялари жалб қилиниши тўхтатиб турилишининг сабабларидан бири бўлмоқда»¹. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «...иқтисодиёт,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349 сонли Фармони. www.lex.uz

ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси мамлакатимизда логистик жараёнларини АКТ асосида такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли ««Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг «I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот-коммуникация технологияларини миллий иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида қўллаш масалаларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари олиб борган мамлакатимизнинг кўплаб таниқли иқтисодчи олим ва мутахассислари ҳамда хорижий илмий мактаблар вакиллари келтириш мумкин.

Улар орасида компаниянинг автоматлаштирилган ахборот тизимларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш муаммолари билан шуғулланган олимларни таъкидлаш муҳим. Ахборот-коммуникация технологияларини миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларига жорий этишнинг илмий-амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида кенг тадқиқ этилган. Улардан К.С.Лаудон, М.Бандерман, П.Друккер, Ж.Румбауф, А.В.Шеер, М.Хаммер, Д.Белл³ ва бошқа олимларнинг ишларини кўрсатиш ўтиш мумкин.

Логистик жараёнларни иқтисодиётнинг турли тармоқларига жорий этишнинг илмий-амалий масалаларини МДХ олимларидан А.М. Гаджинский,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «[Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида](#)»ги ПФ-4947 сонли Фармонида 1-илова. www.lex.uz

³ Kenneth C. Laudon, Jane P. Laudon. Management in information systems. Organization and Technology. New York. 2017. – 815 p. Bandermann M. Information technology in Europe: The EC Communication's View It European Information Tecnology Observatory 1994. – Mainz; Drucker, P., Innovation and entrepreneurship. Routledge. Oxford, 2014.- 366 p.; Rumbaugh J. Object-Oriented Modeling and Disign. - Prentice-Hall, Inc., Scheer A.W. Business Process Engineering: Reference Models for Industrial Enterprises.-1995.Press. Menio Park, 1996. Hammer M., Champy J. Reengineering the Corporation. A Manifesto for Business Revolution. HarperBusiness, 1993; Bell, D., 1976, May. The coming of the post-industrial society. In The Educational Forum (Vol. 40, № 4, pp. 574-579). Taylor & Francis Group.

Ю.М. Неруш, И.Л. Брагина⁴, ўзбекистонлик олимлардан Я.К. Карриева, М.М. Таирова, Н.Х. Бўриева, Қ.А. Дадабоев, Н.Р. Асадуллина⁵ ва бошқалар эса ўз тадқиқотларида бевосита логистик жараёнларнинг назарий ҳамда амалий асосларини ёритиб берганлар.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистан олимларидан В.Қ. Қобулов, Т.Ф. Бекмуродов, А.Н. Арипов, С.С. Ғуломов, Б.Ю. Ходиев, Р.Х. Алимов, Б.А. Бегалов, А.А. Мусалиев, А.Абдуғаффаров, А.Абдувахидов, Д.М.Расулев, О.Т. Кенжабоев, Қ. Алимов, Р.А. Дадабаева⁶ лар АКТни ишлаб чиқиш ва уларни миллий иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига кенг жорий этиш масалаларига муҳим аҳамият қаратганлар.

Бироқ юқорида номлари тилга олинган олимларнинг илмий изланишлари билан танишиш натижасида ҳозиргача логистик жараёнларни ахборот тизимлари асосида такомиллаштириш ва фойдаланиш жараёнларини эконометрик моделлаштириш ҳамда статистик таҳлил қилиш жиҳатлари тўлиқ ўрганилмаган. Айниқса, компаниянинг логистик жараёнларига ахборот тизимларини жорий этиш усуллари, логистик жараёнларда автоматлаштирилган ахборот тизимлари асосида эконометрик моделлаштириш тамойиллари, логистик фаолиятда автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш самарадорлиги, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, ривожланиш шарт-шароитлари каби муҳим жиҳатлар чуқур

⁴ Гаджинский А.М. Основы логистики: учебное пособие. – М.: ИВЦ «Маркетинг», 1996-220с. Неруш Ю.М. Логистика: учебник. -4е изд., перераб. и доп. –М.: ТК Велби, 2006.-520с. Брагина И.Л. Логистические аспекты формирования товарных ресурсов розничных торговых организаций. Диссертация на соискание ученой степени к.э.н.: 08.00.05. – М.: Рос. ак. им. Плеханова, 2004-с.18.

⁵ Карриева Я.К. Ўзбекистонни жаҳон бозорига чиқиш учун халқаро йўлақлардан фойдаланишнинг логистик транспорт муаммолари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 08.00.05. – Т., 2004. Таирова М.М. Тадбиркорлик логистикасининг ташкилий-бошқарув жабҳалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 08.00.13, - Бухоро 2008. Бўриева Н.Х. Қишлоқ хўжалиги тизимида логистика муаммоларининг тадқиқоти. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 08.00.14, - Тошкент 2005. Дадабоев Қ.А. Логистика. Ўқув қўлланма. – Т.:ТДИУ, 2004.-160б. Асадуллина Н.Р. Формирование концепции логистического подхода в управлении отраслевым комплексом в условиях модернизации экономики. – Т.: Фан, 2008. -174с.

⁶ Кобулов В.К. Алгоритмизация в социально-экономических системах. -Ташкент: Фан, 1998.- 320 с. Бекмуродов Т.Ф. Исследования по компьютерной технике и информатике в Узбекистане: история и перспективы. |Сб. научных трудов НПО «Кибернетика» АН Руз. - Ташкент, 2004.-с.78-84. Арипов А.Н. Ахборот коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Тошкент, 2004.- 24 б. Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 722 б.; Ходиев Б.Ю., Мусалиев А.А., Бегалов Б.А, Қ.Алимов. Менеджмент информационных систем. - Т.: Фан, 2007.- 342 с. Алимов Р.Х. Ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий Уқув юртлари талабалари учун дарслик, - Т.: Шарк, 2000. - 592 б. Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражаси даъвогарлигига диссертация иши. - Тошкент, 2001 - 330 б. Мусалиев А.А., Бегалов Б.А. Менеджмент информационных систем. Монография. – Т.: Фан, 2007.- 342 с. Расулев Д.М. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида инвестицияни молиялаштиришни эконометрик моделлаштириш (Банклар инвестицияси мисолида). Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.: Фан ва технологиялар, 2003 йил, 40 б. Кенжабоев О.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Тошкент, 2005.- 32 б. Дадабаева Р.А. Менеджмент информационных систем. Учебное пособие, -Т.: iqtisodiyot, 2016.-402 с.

илмий-назарий ўрганилмаган. Бу эса, мазкур диссертация тадқиқоти мавзусининг долзарблигини янада оширади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш режасига мувофиқ «ФМ-9. Миллий иқтисодиётни турли соҳаларига инновацион ахборот-коммуникатив технологияларни самарали тадбиқ этишнинг назарияси ва амалиёти» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади компаниянинг логистик фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни самарали ташкил этиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

инновацион технологиялар асосида логистика жараёнларини самарали йўлга қўйишдаги муаммоларни аниқлаш;

ахборотлашган жамият шаклланиши шароитида логистик хизматларини самарали амалга ошириш механизмларини таклиф этиш;

логистика фаолиятида қўлланилаётган автоматлаштирилган ахборот тизимининг функционал ва таркибий жиҳатларини таҳлил қилиш ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

логистик хизматларини самарали ташкил этишда автоматлаштирилган иш ўринларидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш;

ахборот тармоқ технологияларини жорий этиш асосида компания логистик жараёнларини оптималлаштириш;

интеграциялашган ахборот тизимлари асосида логистик жараёнларини такомиллаштириш;

логистик жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш моделларини ишлаб чиқиш;

компаниянинг логистик ахборот тизимини шакллантириш усулини танлаб олиш вазифасини ҳал этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари асосида логистик жараёнларда олинадиган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш усулларини таклиф қилиш ва улар асосида ҳисоб-китобларни амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб «Ангрен логистика маркази» акциадорлик жамияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети компаниянинг логистик фаолиятини оптимал ташкил этишнинг ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли ва эконометрик таҳлил қилиш усуллари, оптималлаштириш усуллари ҳамда автоматлаштирилган ахборот тизимини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш усулларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

логистик компания бўлимлари ўртасида кирувчи ва чиқувчи ахборот оқимларини чизиқли, логистик ва экспоненциал эконометрик моделлари асосида оптимал ташкил қилиш асосланган;

компаниянинг бошқарув жараёнларини оптимал ташкил этишда ахборот-логистик тизими, автоматлаштирилган омбор тизими, транспорт-логистик хизмати, автоматлаштирилган божхона хизмати, автоматлаштирилган назорат ва кузатув тизимларидан фойдаланиш асосланган;

логистик компаниялар томонидан ахборот тизимини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва ундан амалиётда фойдаланиш босқичлари вақт сарфи, харажатларнинг оптималлашуви ва хизматлар сифати мезонлари асосида такомиллаштирилган;

логистик компания фаолиятини оптимал ташкил этиш жараёни интеграллашган логистик аутсорсинг хизматлари, «виртуал» логистик марказлари ва юкларни ташишда дронлардан фойдаланиш технологиялари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

логистик компаниянинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш ва уни ривожлантириш йўллари кўрсатиб берилган;

«Ангрен логистика маркази» АЖ ахборот-логистик тизимини ишлаб чиқиш ва ундан оптимал фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган;

ахборот-коммуникация технологияларини логистик фаолиятига жорий қилингунча ва жорий қилингандан кейин олинган иқтисодий самарадорлик ҳисоблаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, ишлаб чиқилган ахборот тизимларини қўллаш натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан компаниянинг логистик жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ҳамда уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация тадқиқотида олинган илмий натижалардан «Ангрен логистика маркази» АЖда логистик жараёнларни йўлга қўйиш, омборхона хўжалигини ташкил этишда, транспорт воситаларини мониторинг қилиш ва компьютер дастурий воситаларини улар фаолиятида кенг жорий этишни такомиллаштиришда фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Компания логистик жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

логистик компания бўлимлари ўртасида кирувчи ва чиқувчи ахборот оқимларини чизиқли, логистик ва экспоненциал эконометрик моделлари асосида оптимал ташкил қилиш бўйича таклифлар 2017 йил 9 августдаги №31-сонли буйруқ асосида «Ангрен логистика маркази» АЖ фаолиятига жорий этилган («Ангрен логистика маркази» АЖнинг 2017 йил 30 сентябрдаги 08-12-сон маълумотномаси). Ушбу моделларнинг жорий этилиши натижасида «Ангрен логистика маркази» АЖда бизнес-жараёнларини самарали ташкил қилиш, маҳсулот ҳаракатларини режалаштириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб бериш, қабул қилинган юкларни омборда сақлаш ва товар оқимларининг ҳаракатини назорат қилиш имконини берди;

компаниянинг бошқарув жараёнларини оптимал ташкил этишда ахборот-логистик тизимидан фойдаланишнинг автоматлаштирилган омбор тизимлари, транспорт-логистик хизмати, автоматлаштирилган божхона хизмати, автоматлаштирилган назорат ва кузатув тизимларини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Ангрен логистика маркази» АЖ фаолиятида фойдаланилган («Ангрен логистика маркази» АЖнинг 2017 йил 30 сентябрдаги 08-12-сон маълумотномаси). Уларни қўллаганда бошқарув тизими тезкорлигини ошириш асосида юқори самарадорликка эришиш захиларини аниқлаш учун иқтисодий таҳлил амалга оширилди. Натижада бошқарувнинг юқори самарадорлиги, автотранспортларнинг «йўлдошли алоқа» технологияларини қўллаган ҳолда назорат қилиш имконияти, юк ташиш ҳажми ва ахборотни узатиш ҳамда қайта ишлашнинг тезлиги ортгани ҳамда вақтни тежашга олиб келди;

логистик компаниялар томонидан ахборот тизимини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва ундан амалиётда фойдаланиш босқичлари вақт сарфи, харажатларнинг оптималлашуви, хизматлар сифати ва юқори самарадорлик каби мезонлар асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Ангрен логистика маркази» АЖда жорий қилинган («Ангрен логистика маркази» АЖнинг 2017 йил 30 сентябрдаги 08-12-сон маълумотномаси). Натижада юкларни автотранспортда етказиш бўйича режалаштиришни автоматлаштириш учун тиражланган «Logistic processing» АТ яратилди ҳамда жорий қилинди. Бунга кўра бўлимлар ўртасида ўзаро электрон маълумотлар алмашиши йўлга қўйилди ҳамда диспетчер реал вақт режимида барча юк транспортлари ҳаракатланишини кузатиб бориши, юк транспортларининг берилган йўналишидан четлашган пайтда диспетчернинг сигнализацияси ишлаб кетиши, диспетчерлик бўлиmidан ҳар битта ҳаракатланувчи юк транспорт бирлигида ўрнатилган датчикларнинг: ёқилғили, ҳароратли, контейнерларнинг рухсат этилмаган очилишидан хабар берувчи, транспорт воситасининг ағдарилиб кетиши, «мигалка»нинг ёқиб-ўчирилишига эришилди;

логистик компания фаолиятини оптимал ташкил этишда интеграллашган логистик аутсорсинг хизматлари, «виртуал» логистик марказлари ва юкларни ташишда дронлардан фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Ангрен логистика маркази»

АЖ фаолиятида фойдаланилган («Ангрен логистика маркази» АЖнинг 2017 йил 30 сентябрдаги 08-12-сон маълумотномаси). Таклиф этилган янги турдаги инновацион технологиялардан фойдаланиш орқали таъминот занжирига жалб қилинган барча логистик компаниялар интеграцияси таъминланди ва логистик компаниялар бизнес-жараёнларини самарали ташкил қилиш, маҳсулот ҳаракатларини режалаштириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб бериш, қабул қилинган юкларни оморда сақлаш ҳамда товар оқимларининг ҳаракатини назорат қилиш жараёни такомиллаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (жумладан, 8 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил этади.
